

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ АЪЗАМЖОН АВАЗЖОНОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ ФОСФАТ КИСЛОТАЛИ ҚАЙТА
ИШЛАШ АСОСИДА БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ ВА
КОМПЛЕКС ЎВИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Расулов Аъзамжон Авазжанович

Қизилқум фосфоритларини фосфат кислотали қайта ишлаш асосида бойитилган суперфосфат ва комплекс ўғитлар олиш технологияси..... 3

Расулов Аъзамжон Авазжанович

Технология получения обогащенного суперфосфата и комплексных удобрений на основе фосфорнокислотной переработки Кызылкумских фосфоритов..... 21

Rasulov Azamjon Avazjonovich

Technology of enriched superphosphate and complex fertilizers based on phosphoric acid processing Kuzylkum phosphorite..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ АЪЗАМЖОН АВАЗЖОНОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ ФОСФАТ КИСЛОТАЛИ ҚАЙТА
ИШЛАШ АСОСИДА БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ ВА
КОМПЛЕКС ЎВИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/T429 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий опонентлар:

Шамшидинов Исроилжон Тургунович
техника фанлари доктори, профессор

Реймов Ахмед Мамбеткаримович
техника фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот

Навоий Давлат кенчилик институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги DSc. 02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «18» июнь 2020 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» июнь куни тарқатилди.
(2020 йил «16» июнь даги 7- рақамли реестр баённомаси).



Закиров Б.С.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Салиханова Д.С.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., профессор

Абдурахимов С.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасидан маълумки, кимё саноати ҳозирги замонавий илмий-техник таррақиётни белгилаб беради ва шу сабабли кимёлаштириш даражаси мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг асосий мезони ҳисобланади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигини озуқа моддалари турли хил нисбатдаги минерал ўғитлар (тупроқ агрокимёси ва экинларни озиклантиришда қуйилган талабларни инобатга олган ҳолда) билан таъминлаш масаласи кескин қуйилмоқда, бу эса ўғитларни ишлаб чиқариш бўйича янги технологик ечимларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бу борада ўсимликларни етиштиришнинг ҳар хил вегетацион даврларида қўллашга мўлжалланган кенг ассортиментдаги бирламчи ва комплекс ўғитлар технологияларини жорий қилиш катта аҳамият касб этади.

Бутун дунёда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариши фосфат хом ашёсини қайта ишлаш ва техноген чиқиндиларнинг тўпланиши билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли, паст навли фосфоритларни қайта ишлаш, чиқиндиларни бартараф этиш ва минерал кислоталар сарфини камайтиришни таъминлайдиган рационал ва иқтисодий техник ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу мақсад учун қуйидаги йўналишларда тегишли илмий-техник ечимларни асослаш зарур: фосфат хом ашёсини фосфоркислотали қайта ишлаш йўли билан концентранган фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш; фосфат хом ашёсини фосфоркислотали гипсли бўтқа (ФКГБ) ва фосфор ва сульфат кислоталари аралашмаси билан парчалаш асосида бойитилган суперфосфат ва аммофосфатли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва инновацион ишланмалар натижасида азот, фосфор ва калийли, ундан ташқари комплекс ва органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариши соҳасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан маҳаллий хом ашёларни қўллаш йўли билан кузги шудгорда ҳамда ўсимликларни экиш ва озиклантиришда зарур бўлган бойитилган суперфосфат ва аммофосфатли ўғитлар олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

«Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётда Қоратоғ ва Қизилқум фосфоритларини сульфат, фосфат ва нитрат кислоталари билан қайта ишлаш йўли билан бирламчи фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олиш бўйича кенг маълумотлар мавжуд (Набиев М.Н., Беглов Б.М., Намазов Ш.С., Таджиев С.М., Амирова А.М., Мирзакулов Х.Ч., Жураев М.Т., Реймов А.М., Волынскова Н.В., Шамшидинов И.Т., Саттаров Т.А., Умаров С.А., Каноатов Х.М.). Масалан, М.Т.Жураев, И.Т.Шамшидинов ва Х.Ч.Мирзакуловлар камерали ва оқимли усулларни қўллаб, Қоратоғ ва Қизилқум фосфоритлари асосида қўш суперфосфат жараёнини текширган. Аммо қўш суперфосфат олиш учун сифатли фосфат хомашё ва концентранган фосфор кислота зарур. Паст навли фосфоритларни фосфоркислотали фаоллаштириш йўли билан кальций димонофосфатини олиш усули мавжуд бўлиб, уни олиш жараёни Х.М.Каноатов томонидан ўрганилган. Аммо унинг натижалари амалиётга жорий қилинмаган. С.М.Таджиев томонидан ювиб қуритилган концентратни (ЮҚК – 17-18% P_2O_5) сульфаткислотали парчалаш йўли билан оддий суперфосфат олиш технологиясида жуда паст сифатдаги маҳсулот олинади (12% дан кам P_2O_5 ўзл.). С.А.Умаров томонидан оддий фосфорит унини (16-18% P_2O_5) фосфор ва сульфат кислоталари аралашмаси билан парчалаш йўли билан бойитилган суперфосфат (26% P_2O_5 , 3% N) технологияси ишлаб чиқилган. Камчилиги – кислоталарнинг нисбатан юқори сарфи ва эркин нордонликни аммиак билан нейтраллаш зарурияти. Т.А.Саттаров томонидан Қизилқум фосфоритларини фосфоркислотали парчалаш йўли билан аммофосфат технологиси ишлаб чиқилган. Аммофосфатда моноаммонийфосфатдан ташқари дикальцийфосфат, гидроксилфторapatит, парчаланмаган фосфорит, ортиқча ЭФКни аммонийлашда қаттиқ фазага чўккан комплекс тузлар мавжуд. Ушбу сувда эримайдиган бирикмалар аммофосфат сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради.

Жаҳонда Позин М.Е., Классен П.В., Завертяева Т.И., Казак В.Г., Бризицкая Н.М., Бродский А.А., Новиков А.А., Ангелов А.И., Соболев Н.К., Суетинов А.А., Стародубцев В.С., Янишевский Ф.В. ва бошқалар оддий ва бойитилган суперфосфатлар, аммофосфатли ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишларини ўтказишган.

Таъкидлаш лозимки, Қизилқум фосфорит комплексида фосфорит унини хлордан ювиш жараёнида 24-26% P_2O_5 тутган ЮҚК олинади. ЮҚК мисолида

бойитилган суперфосфат ва аммофосфатли ўғитлар олиш жараёни ҳеч ким томонидан ўрганилмаган. Бойитилган суперфосфат олиш учун эса суперфос-NS ишлаб чиқаришининг оралиқ маҳсулоти – ФКГБ биринчи маротаба жалб этилади. Ундан ташқари карбонатли фосфоритларни фосфорсульфат кислотали парчалаш маҳсулотлари асосида бирламчи фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олишга ёндашиш қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-137 «Марказий Қизилқум фосфоритларининг чиқиндисини фосфорли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва ПЗ-20170926269 «Марказий Қизилқум фосфоритлари минераллашган массаси ва ювиб қуритилган концентрати асосида бирламчи ва мураккаб фосфорли ўғитлар олишнинг ресурстежамкор ва юқори самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қизилқум фосфоритларини фосфоркислотали қайта ишлаш асосида бойитилган суперфосфат ва концентранган маркадаги аммофосфат олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қизилқум фосфоритларининг таркиб ва хосаларини аниқлаш (ювиб қуритилган концентрат – ЮҚК, оддий фосфорит уни – ОФУ, минераллашган масса – ММ);

ЮҚК, ОФУ ва ММларни ҳар хил Суюқ (С) : қаттиқ (Қ) нисбатдаги ФКГБ ёрдамида фаоллаштириш асосида бойитилган суперфосфат олиш жараёнини тадқиқ этиш;

монокальцийфосфат ҳосил қилишга қаратилган фосфор ва сульфат кислоталари аралашмасининг ҳар хил меъёрларида ОФУни парчалаш асосида аммонийлашган суперфосфат олиш жараёнини тадқиқ этиш;

ЮҚКни сульфат ва нитрат кислоталари кўшимчаси билан фосфоркислотали парчалаш асосида аммофосфат, сульфо- ва нитроаммофосфатли ўғитлар олиш жараёнларини ўрганиш;

ЮҚК ва ММларни фосфорсульфаткислотали парчалаш маҳсулотларини қаттиқ ва суюқ фазаларга ажратиш йўли билан мос равишда бойитилган суперфосфат ва азотфосфорли ўғитлар олиш орқали аммофосфатли ўғитнинг сифатини яхшилаш;

Бойитилган суперфосфат ва аммофосфатли ўғитларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва тузли таркибларини аниқлаш;

тавсия қилинаётган ўғитлар олиш жараёнининг технологик параметрларини «Аmmofos-Махам» АЖда синовдан ўтказиш орқали янги маҳсулотларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш ва уларнинг агрокимёвий самарадорлигини баҳолаш;

бойитилган суперфосфат ва аммофосфатли ўғитларнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш, моддий баланс ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти ювиб қуритилган концентрат, оддий фосфорит уни, минераллашган масса, фосфоркислотали гипсли бўтқа, фосфор ва сульфат кислоталари аралашмаси, бойитилган суперфосфатлар ва аммофосфатли ўғитлар.

Тадқиқотнинг предмети фосфоркислотали гипсли бўтқа ҳамда фосфор ва сульфат кислоталари аралашмасини қўллаш орқали Қизилқум фосфоритларни мос равишда бойитилган суперфосфат ва концентранган аммофосфатга қайта ишлаш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-механик ва рентгенографик таҳлил усуллари, ундан ташқари вегетацион ва лизиметрик шароитлардаги агрокимёвий синовлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фосфат хом ашёсига фосфоркислотали гипсли бўтқа (ФКГБ) билан ишлов берилганда ундаги фосфорнинг ўсимлик ўзлаштирмайдиган шаклдан ўзлашувчан ва сувда эрувчан шаклга ўтиши аниқланган;

ФКГБ даги Суюқ : Қаттиқ ва Бўтқа : Фосфорит мақбул нисбатлари аниқланган бўлиб, бунда бойитилган суперфосфат нисбий шакли 50% дан кам бўлмаган сувда эрувчан P_2O_5 тутиши асосланган;

фосфорит унини парчалашда фосфор ва сульфат кислоталари аралашмаси мақбул меъёрлари, ундан ташқари $SO_3 : P_2O_5$ мақбул нисбатларида аммонийлашган суперфосфат аммоний сульфатфосфатга солиштирганда сезиларли устунликка эга эканлиги аниқланган;

аммофосфатли ўғитнинг сифатини яхшилаш ва қўшимча равишда бойитилган суперфосфат олишга имкон берувчи фосфат хом ашёсини кислотали парчалаш маҳсулотларини ажратиш шароитлари асосланган;

карбонатли фосфоритларни фосфоркислотали қайта ишлаш йўли билан бойитилган суперфосфат ва концентранган аммофосфат олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

карбонатли фосфоритларни фосфоркислотали гипсли бўтқа билан кимёвий фаоллаштириш йўли билан бойитилган суперфосфат олиш технологияси яратилган;

ювиб қуритилган концентратни нитрат ва сульфат кислоталари қўшимчаси билан фосфоркислотали парчалаш асосида аммофосфатли, нитро-ва сульфоаммофосфатли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ягона технологик циклда карбонатли фосфоритларни фосфорсульфат-кислотали парчалаш маҳсулотларини қайта ишлаш йўли билан бирламчи фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

бойитилган суперфосфат ва аммофосфатли ўғитлар олиш технологияларининг синовлари «Аmmofos-Махам» АЖда ўтказилган ва янги турдаги маҳсулотларнинг тажриба партиялари яратилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари, агрокимёвий ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, улар карбонатли фосфоритларни фосфоркислотали гипсли бўтқа ҳамда фосфор ва сульфат кислоталари аралашмаси билан фаоллаштириш ва парчалаш асосида бойитилган ва аммонийлашган суперфосфат; ЮҚҚни фосфоркислотали қайта ишлаш асосида аммофосфатли ўғитлар ишлаб чиқиш; фосфорсульфаткислотали парчалаш маҳсулотларини қайта ишлаш асосида бир вақтнинг ўзида бойитилган суперфосфат олиш орқали аммофосфатли ўғитнинг сифатини яхшилашга асос солди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган технологиялар қишлоқ хўжалигини кузги шудгорда қўллаш учун бойитилган суперфосфат, ўсимликни экиш ва озиклантиришда қўллаш учун концентранган аммофосфат билан таъминлайди. Тавсия этилган технологиялар тайёр маҳсулот кўринишида бир тонна P_2O_5 олишда сульфат ва фосфат кислоталар, аммиак каби қиммат ҳисобланадиган дастлабки материаллар ва энергетик маблағлар сарфини сезиларли камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилқум фосфоритларини фосфоркислотали қайта ишлаш асосида бойитилган суперфосфат ва комплекс ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ювиб қурилган концентратни фосфоркислотали бўтқа билан фаоллаштириш йўли билан бойитилган суперфосфат олиш технологияси «Аmmofos-Махам» АЖнинг истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Аmmofos-Махам» АЖ нинг 01 июнь 2020 йилдаги 923/С рақамли маълумотномаси). Натижада фосфогипс ҳажмини сезиларли камайтириш ва қишлоқ хўжалигида кузги шудгорда қўллаш учун бирламчи фосфорли ўғит билан таъминлаш имконини берган;

фосфоркислотали қайта ишлаш асосида аммофосфатли ўғит олиш технологияси «Аmmofos-Махам» АЖнинг истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Аmmofos-Махам» АЖ нинг 01 июнь 2020 йилдаги 923/С рақамли маълумотномаси). Натижада агрокимёвий самарадорлиги бўйича анъанавий фосфорли ўғитлардан қолишмайдиган фосфорли ўғитлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 6 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда «**Фосфат хом ашёсини сульфат- ва фосфоркислотали қайта ишлаш йўли билан бирламчи ва азотфосфорли ўғитлар**» шарҳи келтирилган бўлиб, унда камерали, оқимли ёки камера-оқимли усулларда бирламчи фосфорли ўғитлар – оддий, бойитилган ва қўш суперфосфатлар олишнинг турли хил вариантлари кўриб чиқилган. Сифатли ҳам паст навли фосфат хом ашёсини аммофосфатли ўғитларга қайта ишлаш соҳасидаги ишлар таҳлил қилинган ва уларнинг сифатини яхшилаш йўллари кўрсатилган. Чоп этилган ишлар таҳлили мазкур ишнинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга имкон берган.

Диссертациянинг «**Бирламчи ва аммофосфатли ўғитлар олиш учун дастлабки хом ашё материалларининг таркиб ва хоссалари ҳамда тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари**» иккинчи бобида ОФУ, ЮҚК ва ММ кимёвий ва минералогик таркиблари, физико-механик хоссалари ўрганилган. 1-жадвалда уларнинг кимёвий таркиби келтирилган.

1-жадвал

Марказий Қизилқум фосфоритларининг кимёвий таркиби

Фосфат хом ашёси тури	Компонентлар миқдори, оғир. %									P ₂ O ₅ ^{сўз.} : P ₂ O ₅ ^{умум.} %
	P ₂ O ₅	CaO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MgO	F	CO ₂	SO ₃	н.о.	
ЮҚК	26,08	51,74	1,02	0,31	0,89	3,41	9,95	1,59	2,49	13,08
ОФУ	17,76	47,51	0,95	0,73	1,79	2,0	17,02	3,27	5,27	17,74
ММ	15,05	46,07	1,10	0,89	1,19	1,85	15,29	2,74	6,2	4,78

Рентгенографик тадқиқотлар кўрсатдики, ОФУ, ЮҚК ва ММларда асосий минераллар: франколит миқдори мос равишда 47,78; 70,27 ва 40,67%, кальцит - 25,88; 14,7 ва 30,43%, доломит – 8,24; 4,19 ва 1,38%, гипс – 5,56; 2,67 ва 6,01% ларни ташкил этади. Бир- ва учламчи металлар глауконит, бентонит ва хлорид кўринишларида бўлиши мумкин.

Бойитилган суперфосфат олиш учун «Аmmofos-Махам» АЖ ишлаб чиқаришида ЮҚК-26 ни сульфат кислотаси билан дигидратли режимда парчалашда олинган учта маркадаги фосфоркислотали гипсли бўтқа (ФКГБ) (оғир. %): 1 – С : Қ = 2 : 1 да – P₂O₅^{умум.} 12,19; P₂O₅^{суб.эрив.} 12,04; СаО^{умум.} 12,47;

$\text{SO}_{3\text{умум.}}$ 16,61; 2 – C : K = 2,5 : 1 да – $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ 13,13; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{сув.эрув.}}$ 13,08; $\text{CaO}_{\text{умум.}}$ 10,07; $\text{SO}_{3\text{умум.}}$ 14,55; 3 – C : K = 3 : 1 да – $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ 14,33; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{сув.эрув.}}$ 13,56; $\text{CaO}_{\text{умум.}}$ 8,75; $\text{SO}_{3\text{умум.}}$ 13,65 кислотали реагент сифатида олинди. У H_3PO_4 нинг сувли эритмасидаги $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ дан таркиб топган суспензия ҳисобланади. Рентгенограмма расшифровкаси кўрсатдики, фосфогипс ўз таркибида 92% кальций сульфати дигидрати ва 7-8% га яқин эримайдиган қолдиқ тутган.

Аммонийлашган суперфосфат олиш учун SO_3 : P_2O_5 нисбатлари 1,2; 1,65; 2,6 га тенг бўлган экстракцион фосфор (18,69% P_2O_5) ва сульфат (95% H_2SO_4) кислоталари аралашмаси ишлатилди.

Аммофосфатли ўғитлар олиш жараёнида ЮККни парчалаш учун таркибида (оғир.%): 16,46 P_2O_5 , 0,06 CaO , 1,11 MgO , 0,27 Fe_2O_3 , 0,41 Al_2O_3 , 2,98 SO_3 ва 0,99 F бўлган ЭФК олинди. Хом ашёни фосфоркислотали парчалаш жараёнини жадаллаштириш учун қўшимча сифатида концентрация 93,5 ва 55% бўлган сульфат ва нитрат кислоталари қўлланилди.

Хом ашё, ЭФК, ФКГБ, фосфогипс, фосфатли бўтқалар, ундан ташқари ўғитларнинг ҳар хил компонентлари микдорининг кимёвий таҳлили маълум усуллар бўйича ўтказилди. Ўғитларнинг 10 %-ли суспензияси рН қиймати улчови 0,05 бирлик аниқликда И-130М иономерида амалга оширилди. Ўғитларнинг гигроскопик хоссалари эксикатор усулида аниқланди. Ўғит доналари мустаҳкамлиги ГОСТ 21560.2-82 га мувофиқ аниқланди.

Рентгенографик таҳлил XRD-6100 (Shimadzu, Японияда ишл./чиқ.) дифрактометрида ўтказилди. Минерал фазалар таққослаш 2013 International Centre for Diffraction Data базасини қўллаш орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Марказий Қизилқум юқори карбонатли фосфоритларини қайта ишлаш асосида бойитилган суперфосфат**» таркиби 2-чи бобда келтирилган учта маркадаги ФКГБ билан ОФУ, ЮКК ва ММларни кимёвий фаоллаштириш йўли билан бирламчи фосфорли ўғитлар олиш жараёнини ўрганишга бағишланган. ФКГБ – бу ЮКК-26 ни сульфаткислотали парчалаш йўли билан олинган ЭФКнинг оралиқ маҳсулотидир. Тизим бўйича ЮКК-26 экстракторда айланма ЭФК билан биргаликда сульфат кислотасида парчаланadi. Бунда ФКГБ ҳосил бўлади ва каруселли вакуум-филтрга йўналтирилади, фосфогипс ва ЭФКга ажратилади. ЭФК аммофосга қайта ишланади.

Лаборатория тажрибалари 200 мл ҳажмдаги реакторда ўтказилди, унга маълум микдорда ФКГБ юкланди, кейин эса аралаштириш давомида фосфат хом ашёси шу микдорда қўшилдики, бўтқанинг хом ашёга оғирлик нисбати 100 : 15 дан 100 : 40 гача бўлди. Компонентлар таъсирлашуви 70°C да 60 дақ. давомида ўтказилди. Кейин суперфосфат масса 95-100°C да етилтирилди. Массани донадорлаш қуритиш жараёнида окатка усулида амалга оширилди. Олинган маҳсулот совитилди, майдаланди ва таҳлил қилинди.

Ҳар хил турдаги фосфат хомашёнинг ФКГБ билан ўзаро таъсирлашув натижалари умумий ўхшаш. Фақатгина маҳсулотдаги компонентлар микдорининг абсолют қийматлари билан ўзаро фарқланади.

2-жадвалда ЮҚКни ФКГБ билан фаоллаштириш асосида олинган бойитилган суперфосфат намуналари таркиби келтирилган. Бўтқанинг суяқ қисмининг қаттиқ қисмига нисбати қанча кўп бўлса, P_2O_5 бўйича ўғит шунча концентрланган бўлади. Фосфат хом ашёси масса улушининг ортиши ёки камайиши маҳсулотдаги $P_2O_{5\text{умум}}$ га деярли таъсир кўрсатмайди. Аммо унинг улуши ортиши фосфор ва кальций шаклларнинг нисбий ўзлашувчан миқдорларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, $C : K = 2 : 1$ да хом ашёнинг миқдори 100г ФКГБга нисбатан 15 дан 40г гача ортиши билан маҳсулотда $P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ 84,55 дан 59,14% гача, $P_2O_{5\text{суб.эр.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ 78,58 дан 43,06% гача ва $CaO_{\text{ўзл.}} : CaO_{\text{умум}}$ 79,4 дан 51,4% гача камаяди. $J : T = 2,5 : 1$ да бу кўрсаткичлар мос равишда 84,82 дан 64,77% гача, 79,75 дан 48,47% гача ва 81,57 дан 58,63% гача ўзгаради, $J : T = 3 : 1$ да эса улар 87,86 дан 65,92% гача, 82,59 дан 51,71% гача ва 88,9 дан 56,23% гача тушади.

Бир хил шароитларда ОФУ ва ММ қўлланилганда ҳам шунга ўхшаш вазият кузатилади. Фақат ЮҚК асосидаги маҳсулотларга қараганда умумий фосфор миқдори сезиларли паст бўлади. $C : K$ ва ФКГБ : ФХ га боғлиқ равишда фосфатли бўтқалар намлиги ЮҚК учун 85-44,03%, ОФУ учун 32,24-42,53%, ММ учун эса 34,05-42,23% оралиғида ётади. Бунда бўтқалар қоникарли реологик хоссаларга эга бўлади.

Қишлоқ хўжалиги талаби бўйича фосфорли ўғит кўп миқдорда умумий ва ўзлашувчан шакллардаги P_2O_5 , умумий шаклдаги P_2O_5 нинг 50% дан кам бўлмаган миқдорини сувда эрувчан шаклдаги P_2O_5 тутган бўлиши шарт.

Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, ЮҚКни қайта ишлашда $C : K = 2 : 1$ ва $2,5 : 1$ нисбатлари учун ФКГБ : ЮҚК мақбул оғирлик нисбати 100 : 35, 3 : 1 учун эса 100 : 40 ҳисобланади. Бунда биринчи намуна учун бойитилган суперфосфат намунаси қуйидагича (оғир.%): $P_2O_{5\text{умум}}$ 26,03; $P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 65,04; $P_2O_{5\text{суб.эр.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 51,28; $CaO_{\text{ўзл.}} : CaO_{\text{умум}}$ = 57,35; $P_2O_{\text{эркин}}$ 0,15, $C : K = 2,5 : 1$ учун $P_2O_{5\text{умум}}$ 28,5; $P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 68,31; $P_2O_{5\text{суб.эр.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 52,87; $CaO_{\text{ўзл.}} : CaO_{\text{умум}}$ = 60,59; $P_2O_{\text{эркин}}$ 0,23, $C : K = 3 : 1$ учун эса $P_2O_{5\text{умум}}$ 29,9; $P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 65,92; $P_2O_{5\text{суб.эр.}} : P_2O_{5\text{умум}}$ = 51,71; $CaO_{\text{ўзл.}} : CaO_{\text{умум}}$ = 56,23; $P_2O_{\text{эркин}}$ - йўқ. Ўғит доналари мустақамлиги 2 МПа дан кам эмас. Бундай маҳсулот таркиб ва хоссаси бўйича қишлоқ хўжалигининг бирламчи фосфорли ўғитларга қуйилган талабига жавоб беради.

ФКГБ : ММ = 100 : 25 намунаси учун гигроскопик нуқта 77%, ФКГБ : РФМ = 100 : 30 учун 78% ва ФКГБ : ЮҚК = 100 : 35 учун 73% ни ташкил этади. Улар ҳавонинг максимал нисбий намлигида ҳам намланмайди (Ўрта Осиё ҳудуди учун 74%). Яъни, олинган ўғитлар қадоқсиз сақлаш ва ташишга яроқлидир.


Рентгенограммада 3,87; 3,04; 2,26Å чўққиларининг сезиларли камайиши ва 2,49Å чўққиси бўлмаслиги $CaCO_3$ максимал парчаланиб, $Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O$ (11,73; 4,90; 3,68; 3,52Å) ва $CaHPO_4 \cdot 2H_2O$ (3,34; 2,94Å) ҳосил қилишидан далолат беради. Яна 2,71; 2,69; 2,62; 1,93 ва 1,83Å қийматларига эга $Ca_5(PO_4)_2F$ диффракцион чўққилари бўлиб, улар фосфат минералининг нордон ФКГБ билан тўлиқ парчаланмаганлигини тасдиқлайди. Интенсив

2-жадвал

Ювиб курилган концентратни фосфоркислотали гипсли бЎтқа билан парчалаш асосида олинган бойитилган суперфосфат намуналари таркиби

ФКГБ : ЮКҚ оғирлик нисбати	Намлик, %	Махсулотнинг 10 %-ли эритмаси рН	Махсулотнинг кимёвий таркиби, оғир. %							P ₂ O ₅ ўзл. : P ₂ O ₅ умум., 2% лим. к- таси, %	P ₂ O ₅ ўзл. : P ₂ O ₅ умум., 0,2М трил. Б, %	P ₂ O ₅ сув.эр. : P ₂ O ₅ умум., %	СаОўзл. : СаОумум., 2% лим. к- таси, %
			P ₂ O ₅ умум.	P ₂ O ₅ эркин	P ₂ O ₅ ўзл 2% лим. к- таси	P ₂ O ₅ ўзл 0,2М трил. Б	P ₂ O ₅ сув.эрув.	СаОумум	СаОўзл 2% лим. к-таси				
Фосфоркислотали гипсли бЎтқадаги С : Қ нисбати 2,0 : 1													
100:15	34,87	2,67	24,66	1,13	20,85	19,72	19,38	30,97	24,59	84,55	79,97	78,58	79,40
100:20	33,96	2,74	25,19	0,76	19,52	18,61	18,0	33,06	22,94	77,49	73,88	71,45	69,39
100:25	33,30	2,80	25,58	0,45	18,64	17,39	16,43	34,82	21,79	72,87	67,98	64,23	62,58
100:30	32,64	2,86	25,89	0,26	17,96	16,03	15,18	36,22	22,38	69,37	61,91	58,63	61,79
100:35	31,92	2,94	26,03	0,15	16,93	14,80	13,35	37,42	21,46	65,04	56,86	51,28	57,35
100:40	30,85	3,03	25,94	-	15,34	13,44	11,17	38,09	19,58	59,14	51,81	43,06	51,40
Фосфоркислотали гипсли бЎтқадаги С : Қ нисбати 2,5 : 1													
100:15	42,23	2,77	28,40	1,44	24,09	23,41	22,65	29,73	24,25	84,82	79,75	79,75	81,57
100:20	40,76	2,86	28,43	0,99	22,98	21,75	21,04	31,60	23,32	80,83	74,01	74,01	73,79
100:25	38,87	2,92	28,45	0,64	21,49	19,83	19,26	33,37	22,75	75,54	67,69	67,69	68,17
100:30	37,47	2,98	28,47	0,39	20,42	17,92	17,20	34,79	22,20	71,72	60,41	60,41	63,81
100:35	36,35	3,06	28,50	0,23	19,47	16,35	15,07	36,06	21,85	68,31	52,87	52,87	60,59
100:40	35,26	3,15	28,53	-	18,48	15,04	13,83	37,23	21,83	64,77	48,47	48,47	58,63
Фосфоркислотали гипсли бЎтқадаги С : Қ нисбати 3,0 : 1													
100:15	44,03	2,61	30,97	1,74	27,21	26,47	25,58	28,13	25,01	87,86	85,47	82,59	88,90
100:20	42,56	2,68	30,60	1,21	25,13	24,26	23,26	29,89	23,67	82,12	79,28	76,01	79,19
100:25	40,67	2,74	30,29	0,83	23,34	22,14	21,06	31,46	22,38	77,05	73,09	69,53	71,14
100:30	39,27	2,80	30,08	0,53	22,03	20,25	19,20	32,88	21,65	73,24	67,32	63,83	65,84
100:35	37,85	2,86	29,96	0,30	20,85	18,13	17,27	34,23	20,69	69,59	60,51	57,64	60,44
100:40	36,66	2,92	29,90	-	19,71	16,61	15,46	35,48	19,95	65,92	55,55	51,71	56,23


чўққилар 5,99; 3,47; 3,00; 2,80Å ўғит таркибида сезиларли микдорда $\text{CaSO}_4 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ мавжудлигидан далолат беради (1-расм).



1-расм. С : К = 2,5 : 1 ва ФКГБ : ЮҚК = 100 : 35 да олинган бойитилган суперфосфат рентгенограммаси.

Ишлаб чиқаришнинг асосий қурилмалари экстрактор, каруселли вакуум-фильтр, фаоллаштириш учун реактор, барабанли донадорлагич-қуритгич бўлган бойитилган суперфосфат ишлаб чиқаришининг технологик тизими тавсия этилди.

2-расмда бойитилган суперфосфатда бир тонна P_2O_5 олиш учун моддий баланс келтирилган.



2-расм. С : К = 2,5 : 1 ва ФКГБ : ЮҚК = 100 : 35 да бойитилган суперфосфат олиш учун моддий баланс.

Бунинг барчаси «Аmmofos-Махам» АЖ амалдги ускуналар базасида ФКГБ, фосфоритли маҳсулотлар – ОФУ ва ЮҚК, яна фосфорит рудасини бойитиш чиқиндиси – ММ фойдаланиш йўли билан оқимли усулда бойитилган суперфосфат технологиясини ишлаб чиқиш учун замин яратади.

Кейинчалик ОФУни $SO_3 : P_2O_5 = 1,2; 1,65; 2,6$ нисбатларда фосфор ва сульфат кислоталари аралашмаси билан фосфат хом ашёсига кислоталар аралашмасининг $100 : (10-80)$ нисбатларида парчалаш, кейинчалик аммонийлаштириш ($pH = 3,8$), маҳсулотни куритиш ва донадорлаш йўли билан аммонийлашган суперфосфат олиш жараёни ўрганилди. Бунда кислоталар аралашмасининг ҳақиқий меъёрлари $Ca(H_2PO_4)_2$ ҳосил қилишга стехиометриядан 40 дан 441% гача ўзгарди. Масалан, $SO_3 : P_2O_5 = 1,2$ ва кислота аралашмаси : ОФУ = $100 : 60$ нисбатда таркибида $P_2O_{5\text{умум.}} = 25,3\%$, $P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум.}} = 86\%$, азот 2,65% бўлган ўғит олинади, унда $P_2O_{5\text{сув.эрув.}} : P_2O_{5\text{умум.}} = 50\%$ дан ошади, доналар мустаҳкамлиги эса 3,25 МПа ташкил этади ва кузги шудгорга тўла яроқлидир. Барча олинган маҳсулотларнинг гигроскопик нуктаси 80% дан юқорида бўлади.


Аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқаришининг технологик тизими тавсия этилди. Учта маркадаги аммоний сульфатфосфат ва кислота аралашмаси : ОФУ = $100 : 50$ оғирлик нисбатда учта маркадаги аммонийлашган суперфосфат кўринишида 100 кг P_2O_5 олишнинг моддий баланслари ҳисобланди. Ушбу жараённинг юқорида келтирилган $SO_3 : P_2O_5$ нисбатларда тайёрланган, фосфор ва сульфат кислоталари аралашмасини аммонийлаш асосидаги маҳсулот – аммоний сульфатфосфатга солиштирганда афзаллигини кўрсатди.

Тўртинчи бобда **«Марказий Қизилқум фосфоритларини фосфоркислотали қайта ишлаш йўли билан аммофосфатли ўғитлар ва уларнинг сифатини яхшилаш йўллари»** ЮҚКни сульфат ва нитрат кислоталари кўшимчаси билан фосфоркислотали қайта ишлаш йўли билан аммофосфатли, сульфо- ва нитроаммофосфатли ўғитлар олиш, ЮҚК ва ММларни фосфорсульфаткислотали парчалаш маҳсулотларини суяқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш йўли билан аммофосфатли ўғитнинг сифатини яхшилаш, шунингдек бойитилган суперфосфат ва аммофосфатли ўғит ишлаб чиқаришларининг техник-иқтисодий ҳисоблари натижалари келтирилган.

Аммофосфат олишда ЭФК : ЮҚК оғирлик нисбати $100 : 10$ дан $100 : 30$ гача ўзгартирилди. Парчалаш жараёни давомийлиги – 45 дақиқа. Ундан кейин бўтқани $pH = 3,8$ гача аммонийлаштирилди. Кейин $85-90^\circ\text{C}$ да донадорланди, совитилди ва таҳлил қилинди.

Системага ЮҚК қанча кам киритилса, унда шунча кўп эркин H_3PO_4 қолади ва уни нейтраллаш учун шунча кўп NH_3 талаб этилади. Бу ҳолатда маҳсулотда аммоний фосфат миқдори кальций фосфатдан кўп бўлади. Ўрганилган ЭФК : ЮҚК нисбатларда азотфосфорли ўғитлар олинди ва уларда азот миқдори 4,92-7,11%, $P_2O_{5\text{умум.}} = 41,48-46,44\%$, $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ лим. к-таси бўйича 34,79-45,11%, $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ трил. Б бўйича 31,7-44,29%, $P_2O_{5\text{сув.эрув.}} = 23,49-37,73\%$ оралиғида ётади. Аммофосфатда анча қисм кальций ўзлашувчан шаклда бўлади (9,66-14,55%). Маҳсулотларнинг доналар мустаҳкамлиги 3,2 дан 3,9 МПа гачани ташкил этади.

ЭФК : ЮҚК га боғлиқ равишда P_2O_5 нинг ўзлашувчан ва сувда эрувчан шаклларининг нисбий миқдорлари ўзгариши 3-расмда яхши кўринган.



3-расм. ЭФК : ЮҚК га боғлиқ равишда P_2O_5 нинг ўзлашувчан ва сувда эрувчан шакллари нисбий миқдорлари (%).

Таъкидлаш лозимки, ЭФК : ЮҚК = 100 : 30 нисбатда ва минимал миқдорда азот тутган (4,92% N) маҳсулотни бирламчи фосфорли ўғит сифатида кузги шудгорга солиш мумкин.

ЮҚКни фосфоркислотали парчалаш жараёнини жадаллаштириш учун H_2SO_4 ва HNO_3 қўлланилди, уларнинг миқдори моногидрат кўринишида 5 ва 7,5г, ЮҚК эса 100г ЭФКга нисбатан 10; 20 ва 30г ни ташкил этди.

Масалан, ЮҚК нинг оғирлик улуши – 30 ва H_2SO_4 оғирлик улуши – 5 ва 7,5 бўлганда маҳсулотда 37,6 ва 34,47% $P_2O_{5\text{умум.}}$; 24,11 ва 22,06% $CaO_{\text{умум.}}$; 88,75 ва 92,40% $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ лим. к-та : $P_2O_{5\text{умум.}}$; 84,21 ва 89,7% $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ трил. Б : $P_2O_{5\text{умум.}}$; 77,39 ва 79,54% $P_2O_{5\text{сув.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$; 6,03 ва 7,08% азот бўлади.

Масалан, H_2SO_4 оғирлик улуши – 5 бўлганда ЮҚК оғирлик улушининг 10 дан 30 гача ортиши билан маҳсулотда $P_2O_{5\text{умум.}}$, N, $CaO_{\text{умум.}}$, $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ лим. к-та : $P_2O_{5\text{умум.}}$ ва $P_2O_{5\text{сув.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ миқдори мос равишда 39,21 дан 37,6% гача, 12,43 дан 6,03% гача, 10,73 дан 24,11% гача, 99,98 дан 88,75% гача ва 92,88 дан 77,39% гача ўзгаради. H_2SO_4 оғирлик улуши – 7,5 учун ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади (3-жадвал).

Қўшимча сифатида нитрат кислотасини қўллаганда ушбу қонуният сақланади. Аммо бу ҳолатда нитроаммофосфат анча кўп миқдорда N тутаяди, бу эса қўшимча киритилган HNO_3 миқдори билан изоҳланади, гарчанд фосфат хом ашёси нисбатан паст $K_{\text{парч.}}$ га эга бўлади.

Барча ўрганилган вариантларда сульфо- ва нитроаммофосфат доналари мустаҳкамлиги 2 МПа дан кам эмас. Аммофосфат $NH_4H_2PO_4$, $Ca_5(PO_4)_2F$, $Ca(H_2PO_4)_2$ ва $CaHPO_4$ дан иборат. Сульфоаммофосфатда улардан ташқари $CaSO_4$ ва $(NH_4)_2SO_4$, нитроаммофосфатда $(CaNO_3)_2 \cdot 4H_2O$ ва NH_4NO_3 бўлади.

Аммофосфатли, сульфо- ва нитроаммофосфатли ўғитлар олишнинг моддий баланслари ҳисобланди. Ягона технологик циклда уларни олишнинг технологик тизими тавсия этилди.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, ЮҚК ни концентранган марказдаги азотфосфорли ўғитларга самарали қайта ишлаш мумкин.


**Ювиб куритилган концентратни фосфор ва сульфат кислота
аралашмасида парчалашдаги сульфоаммофосфат намуналари таркиби**

Компонентлар миқдори, оғ. %	ЭФК : H ₂ SO ₄ _{моногидрат} : ЮҚК оғирлик нисбати					
	100 : 5 : 10	100 : 5 : 20	100 : 5 : 30	100 : 7,5 : 10	100 : 7,5 : 20	100 : 7,5 : 30
Маҳсулот рН	3,78	3,78	3,80	3,79	3,81	3,80
P ₂ O ₅ _{УМУМ.}	39,21	39,15	37,60	36,02	35,65	34,47
N	12,43	7,55	6,03	14,28	8,79	7,08
P ₂ O ₅ _{СВ.ЭРВ.}	36,42	33,05	29,10	35,03	33,65	27,42
СаО _{УМУМ.}	10,73	18,75	24,11	9,84	17,04	22,06
СаО _{ЎЗЛ.}	8,31	14,72	19,85	8,64	13,14	14,35
SO ₃ _{УМУМ.}	14,01	12,86	10,35	17,66	15,12	13,57
P ₂ O ₅ _{ЎЗЛ.} : P ₂ O ₅ _{УМУМ} лим. к-та	99,98	97,34	88,75	100,00	98,69	92,40
P ₂ O ₅ _{ЎЗЛ.} : P ₂ O ₅ _{УМУМ.} трил. Б	99,17	95,07	84,21	99,84	96,21	89,70
P ₂ O ₅ _{СВ.ЭР.} : P ₂ O ₅ _{УМУМ.}	92,88	84,41	77,39	97,25	94,38	79,54
СаО _{ЎЗЛ.} : СаО _{УМУМ.}	77,45	78,51	82,33	87,80	77,11	65,05

Аммофосфат маркасини ошириш, яъни ундаги умумий ва сувда эрувчан фосфор миқдорини кўпайтириш учун бўтқани қаттиқ жисмлар, магний бирикмаларидан, темир ва оксидларидан тозалаш зарур.

Шу сабабли якуний босқич ЮҚК ва ММни фосфорсульфаткислотали парчалаш маҳсулотини ажратиш йўли билан аммофосфат ўғитининг сифатини ошириш ҳисобланди. H₂SO₄ ни қўллаш шундай изоҳланадики, у K_{парч.} сезиларли жадаллаштиради. 100г ЭФКга нисбатан H₂SO₄ миқдори моногидрат кўринишида 2 дан 10г гача олинди, бунда ЭФК : ЮҚК нисбати доиймий 100 : 10. Компонентлар ўзаро таъсирлашуви 70°С да 45 дақиқа. Нордон ФКГП газсимон аммиак билан рН = 1,6; 2,0; 2,5 ва 3,0 гача нейтралланди. Ундан кейин улар суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратилди. Фильтрат, яъни суюқ фаза рН = 5 гача қўшимча аммонийлаштирилди. Қаттиқ ва суюқ фазаларни донадорлаш кетма-кет равишда 60 ва 90°С да қуритиш жараёнида окатка усулида амалга оширилди. Компонентлар миқдори бўйича уларнинг фазалар бўйича тақсимланиш даражаси ҳисобланди.

Натижалар кўрсатдики, бўтқаларнинг рН ортиши билан қаттиқ фазага P₂O₅, СаО, MgO, Al₂O₃, Fe₂O₃ ва N ўтиш даражаси ортади, SO₃ эса тескари камаяди. Бу шуни англатадики, ЭФКда иштирок этган эркин H₂SO₄ аввал фосфорит билан реакцияга киришиб СаSO₄·2H₂O ҳосил қилади, аммонийлаш жараёнида реакция бўйича гипс эрувчан аммоний сульфатга қисман ўтади:



Бўтқада рН қанча юқори бўлса, гипс конверсияси шунча жадал кетади. H₂SO₄ масса улуши ва бўтқада рН ортиши билан ушбу кўрсаткичлар бир қанча яхшиланади, яъни қаттиқ фазага қўшимчали компонентларнинг ўтиш даражаси ортади, шу орқали суюқ фаза таркиби қаттиқ жисмлардан максимал ҳалос бўлади, бу эса P₂O₅ бўйича концентранган аммофосфат ўғитини олишга имкон беради.

Масалан, бўтқада рН = 2,0 ва ЭФК : H₂SO₄_{МНГ} : МСК нисбатининг 100 : 2 : 10 дан 100 : 10 : 10 гача ошиши билан қаттиқ фазага СаО нинг ўтиш

даражаси 79,41 дан 93,67% гача, MgO 15,28 дан 40,61% гача, Al₂O₃ 84,57 дан 89,58% гача, Fe₂O₃ 54,44 дан 67,96% гача, N 23,81 дан 32,83% гача, ортади, SO₃ эса 94,32 дан 75,73% гача камаяди. pH = 3,0 да бу қийматлар мос равишда 86,34 дан 98,16% гача, 32,53 дан 67,63% гача, 89,17 дан 95,63% гача, 81,62 дан 89,03% гача, 36,63 дан 40,84% гача, 70,05 дан 62,34% гача ўзгаради. Бунда P₂O₅ кам ўзгаради (33,57 дан 31,02% гача ва 38,68 дан 36,89% гача). Шу билан бирга 60-68% P₂O₅ бўтқанинг суюқ қисми таркибида қолади.

H₂SO₄ улуши ошиши қаттиқ фазада P₂O₅умум. ни камайтиради. H₂SO₄ нинг кам миқдори (2г) ва pH паст қиймати (1,6) эса суюқ фаза таркибидан қўшимчали компонентларни максимал йўқотишни таъминламайди, бу эса иккинчи маҳсулот – аммофосфат сифатини ёмонлашишига олиб келади.

Мақбул шароитлар топилди: ЭФК : H₂SO₄МНГ : ЮҚК = 100 : 5 : 10 ва 100 : 7,5 : 10, pH = 2,5 ва 3, бунда бўтқанинг қаттиқ фазасидан P₂O₅ нинг сувда эрувчан шаклининг нисбий миқдори 50% дан кам бўлмаган бойитилган суперфосфат олинади (4-жадвал).

4-жадвал

Ювиб қуритилган концентратни фосфоркислотали парчалаш маҳсулотлари асосида бойитилган суперфосфат ва аммофосфат таркиби

ЭФК:H ₂ SO ₄ МНГ: ЮҚК оғирлик нисбати	Ажратишгача бўтқа pHи	Қуритилган маҳсулот pHи	Компонентлар миқдори, оғир.%						P ₂ O ₅ ўзл.:P ₂ O ₅ умум. лим к-та, %	P ₂ O ₅ ўзл.:P ₂ O ₅ умум. трил. Б, %	P ₂ O ₅ суб.эрув.: P ₂ O ₅ умум., %	СаО _{ўзл.} :СаО _{умум.} лим к-та, %
			P ₂ O ₅ умум	P ₂ O ₅ суб.эрув.	СаО _{умум.}	СаО _{ўзл.}	SO ₃ умум	N				
Қаттиқ фаза асосидаги бойитилган суперфосфат												
100:5:10	pH=2,5	2,94	30,16	16,74	22,32	17,08	14,17	5,45	98,54	91,74	55,50	76,52
	pH=3,0	3,40	32,01	17,38	21,76	15,82	13,83	6,04	100	100	54,30	72,70
100:7,5:10	pH=2,5	2,86	25,37	16,54	22,91	17,21	16,01	6,02	99,76	96,10	65,20	75,12
	pH=3,0	3,11	26,41	16,94	22,47	16,21	17,45	6,69	100	100	64,14	72,14
Суюқ фаза асосидаги аммофосфат												
100:5:10	pH=2,5	5,10	52,43	45,59	4,01	3,74	4,37	13,6	96,27	93,86	87,41	93,27
	pH=3,0	5,13	53,31	47,17	4,26	3,87	10,74	14,0	94,81	92,44	88,36	90,93
100:7,5:10	pH=2,5	5,12	50,72	45,03	2,89	2,74	7,43	14,3	96,54	94,13	89,69	94,64
	pH=3,0	5,15	51,63	46,83	3,17	2,92	12,88	14,6	95,49	93,10	90,05	92,12


Масалан, ЭФК : H₂SO₄ : ЮҚК = 100 : 5 : 10 ва pH = 2,5-3,0 да бўтқанинг қаттиқ қисми асосида таркибида (оғир.%): P₂O₅умум. 30,16-32,01; P₂O₅ўзл. : P₂O₅умум. лим. к-та = 98,54-100; P₂O₅суб.эрув. : P₂O₅умум. = 54,3-55,5; N = 5,45-6,04, ЭФК :H₂SO₄ : ЮҚК = 100 : 7,5 : 10 да эса (оғир. %): P₂O₅умум. 25,37-26,41; P₂O₅ўзл. : P₂O₅умум. лим. к-та = 100; P₂O₅суб.эрув. : P₂O₅умум. = 64,14-65,2; N = 6,02-6,69 бўлган ва кузги шудгорга яроқли бойитилган суперфосфатлар олинади.

Бўтқанинг суюқ қисмидан қўшимча аммонийлаштиришдан сўнг (pH=5) концентранган ўғитлар олинади. Масалан, ЭФК : H₂SO₄МНГ : ЮҚК : 100 : 5 : 10 нисбатда олинган аммофосфат таркибида (оғир.%): P₂O₅умум. 52,43-53,31; P₂O₅суб.эрув. 45,59-47,17; P₂O₅ўзл. : P₂O₅умум. лим. к-та = 94,81-96,27; P₂O₅суб.эрув. : P₂O₅умум. = 87,41-88,36; СаО_{умум.} 4,01-4,26; СаО_{ўзл.} 3,74-3,87; N 13,65-14,03 ва SO₃умум. 4,37-10,74. ЭФК : H₂SO₄МНГ : ЮҚК : 100 : 7,5 : 10 да эса P₂O₅умум.

50,72-51,63; P_2O_5 _{сув.эрув.} 45,03-46,83; P_2O_5 _{ўзл.} : P_2O_5 _{умум.} лим. к-та = 95,49-96,54; P_2O_5 _{сув.эрув.} : P_2O_5 _{умум.} = 89,69-90,05; CaO _{умум.} 2,89-3,17; N 14,3-14,6; CaO _{ўзл.} 2,74-2,92 ва SO_3 _{умум.} 7,43-12,88 (4-жадвал). Охирги иккита компонент маҳсулотларда $CaHPO_4$ и $(NH_4)_2SO_4$ кўринишида намоён бўлган. Ўсимликларни озиклантиришда S ва Ca физиологик ўрни бўйича N, P ва K дан кейин 4 ва 5 ўринларда туради.

Фосфорит рудасини куруқ саралашдаги чиқинди – ММни қайта ишлашда шунга ўхшаш ҳолат, аммо нисбатан паст кўрсаткичда кузатилади.

Битта циклда бойитилган суперфосфат ва концентранган аммофосфат олишнинг моддий баланси ҳисобланди (4-расм).



4-расм. Ягона циклда бирламчи фосфорли ва азотфосфорли ўғитлар олиш жараёнининг моддий баланси.

Ягона циклда иккита турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик тизими тавсия этилди, унинг асосий қурилмалари парчалаш реактори, аммонизатор, лентали фильтр, ТАБ аппарати, БҚ, БДҚ ҳисобланади.

Техник-иқтисодий ҳисоблар кўрсатдики, ФКГБ ва ЮҚК асосидаги 1 тонна бойитилган суперфосфат таннархи 1 097 297 сўм, у вақтда ЭФК ва ЮҚК асосида 1 тонна аммофосфат 1 853 873 сўм бўлади, яъни ишлаб чиқариш ўғитлари – бойитилган суперфосфат ва аммофос таннархига солиштирганда мос равишда 692 773 ва 730 719 сўмга арзондир.

ХУЛОСА

Диссертация иши бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Марказий Қизилқум турли хил фосфоритларининг (ОФУ, ЮҚК ва ММ) таркиб хоссалари ўрганилиб, натижалар уларни хом ашё сифатида ҳар хил марказдаги фосфорли ўғитлар: бойитилган суперфосфат, аммофосфат, сульфо- ва нитроаммофосфат олиш учун қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

2. Бўтқа қуюқлашмайдиған шароитларда ОФУ, ЮҚК ва ММни ФКГБ билан фаоллаштириш йўли билан бойитилған суперфосфат олиш жараёни ўрганилди. Фосфорли ўғитлар P_2O_5 умумий шаклидан 50% дан кам бўлмаған $P_2O_{5\text{суб.эрув.}}$ тутған бўлиши шарт. Талабдан келиб чиққан ҳолда, $C : K = 2 : 1$ ва $2,5 : 1$ нисбатлари учун мақбул нисбат ФКГБ : ЮҚК = $100 : 35,3 : 1$ учун $100 : 40$ ҳисобланади. Бунда биринчи учун (оғир.%): $P_2O_{5\text{умум.}}$ 26,03 ва $P_2O_{5\text{суб.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 51,28; иккинчи учун $P_2O_{5\text{умум.}}$ 28,5 ва $P_2O_{5\text{суб.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 52,87; учинчи учун $P_2O_{5\text{умум.}}$ 29,9 ва $P_2O_{5\text{суб.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 51,71 таркибдаги суперфосфат олинади.

Бойитилған суперфосфат ишлаб чиқаришининг технологик тизими тавсия этилди ва моддий баланси ҳисобланди.

3. ОФУни фосфор ва сульфат кислоталари аралашмаси билан парчалаш йўли билан аммонийлашған суперфосфат олинди. Масалан, $SO_3 : P_2O_5 = 1,2$ ва кислота аралашмаси : ОФУ = $100 : 60$ нисбатда таркибида $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 25,3%, $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ = 86%, азот 2,65% бўлған ўғит олинади, унда $P_2O_{5\text{суб.эрув.}}$: $P_2O_{5\text{умум.}}$ 50% дан ошади, доналар мустаҳкамлиги эса 3,25 МПа. Учта маркадаги АСФ ва кислота аралашмаси : ОФУ = $100 : 50$ нисбатда учта маркадаги аммонийлашған суперфосфат кўринишида 100 кг P_2O_5 олишнинг моддий баланслари ҳисобланди. Ушбу жараённинг АСФ олиш жараёнига солиштирганда афзаллиги кўрсатилади.

4. ЮҚКни фосфоркислотали парчалаш йўли билан аммофосфат олиш жараёни ўрганилди. 5-7,5% $H_2SO_{4\text{мнг}}$ ёки $HNO_{3\text{мнг}}$ кўшиш фосфоркислотали парчалаш жараёнини жадаллаштириш, шу орқали анча юқори миқдорда ўзлашувчан ва сувда эрувчан шакллардаги P_2O_5 тутған сульфо- ва нитроаммофосфатлар олишга имкон яратилади. Аммофосфат, сульфо- ва нитроаммофосфатнинг моддий баланслари ҳисобланди. Уларни ягона циклда ишлаб чиқаришнинг технологик тизими тавсия этилған.

5. Аммофосфатли ўғитнинг сифатини яхшилаш учун фосфоркислотали парчалаш маҳсулотларини суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратилади. Фильтрлашдан олдин бўтқалар $pH = 2,5$ ва $3,0$ гача аммонийлаштиришга учратилади. Ажратишдан кейин суюқ фаза $pH = 5$ гача кўшимча аммонийлаштирилади. Бунда иккита турдаги маҳсулот: қаттиқ фазадан бойитилған суперфосфат, суюқ фазадан эса сифати бўйича аммофосдан устун турадиған концентранған аммофосфат олинади.

6. «Аммифос-Махам» АЖда бойитилған суперфосфат (ФКГБ ва ЮҚК) ва аммофосфатли ўғит (ЭФК ва ЮҚК асосида) технологияларининг асосий технологик параметрлари синовдан ўказилди ҳамда янги турдаги ўғитларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқилди. 1 тонна бойитилған суперфосфат ва аммофосфат таннархи 1 097 297 ва 1 853 873 сўмни ташкил этади, яъни ишлаб чиқаришдаги суперфосфат ва аммофосга солиштирганда 692 773 ва 730 719 сўмга арзон бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ
И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

РАСУЛОВ АЪЗАМЖОН АВАЗЖАНОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ОБОГАЩЕННОГО СУПЕРФОСФАТА
И КОМПЛЕКСНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ОСНОВЕ
ФОСФОРНОКИСЛОТНОЙ ПЕРЕРАБОТКИ КЫЗЫЛКУМСКИХ
ФОСФОРИТОВ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2017.3.PhD/T429 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.iohx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Намазов Шафоат Саттарович**
доктор технических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Шамшидинов Израилжон Тургунович**
доктор технических наук, профессор

Реймов Ахмед Мамбеткаримович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Навоийский государственный горный институт**

Защита состоится «18» июня 2020 году в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: iohxanruz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 7, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «16» июня 2020 года
(реестр протокола рассылки № 7 от «16» июня 2020 года.



Закиров Б.С.
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

Салиханова Д.С.
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Абдурахимов С.А.
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировой опыт свидетельствует, что химическая промышленность определяет уровень современного научно-технического прогресса и поэтому степень химизации является критерием развития экономики государства. На сегодняшний день остро становится вопрос обеспечения сельского хозяйства минеральными удобрениями с различным соотношением питательных веществ (с учетом агрохимии почв и требований к питанию выращиваемой культуры), что требует создание новых технологических решений по их производству. В этом плане большое значение имеет внедрение технологий одинарных и комплексных удобрений широкого ассортимента, предназначенных для применения в различных вегетационных периодах выращивания растений.

Во всем мире производство фосфорсодержащих удобрений непосредственно связано с переработкой природного фосфатного сырья и накоплением техногенных отходов. В связи с этим разработка и реализация рационального и экономичного технического решения, обеспечивающего переработку бедного фосфатного сырья, устранение отходов и снижение расходов минеральных кислот является актуальной задачей. Для этой цели необходимо обосновать соответствующие научно-технические решения по следующим направлениям: определение оптимальных условий получения концентрированных фосфорных и азотнофосфорных удобрений путем фосфорнокислотной переработки фосфатного сырья; разработка технологий получения обогащенного суперфосфата и аммофосфатных удобрений на основе разложения фосфатного сырья фосфорнокислотной гипсовой пульпой (ФКГП) и со смесью фосфорной и серной кислот.

В Республике на основе реализации широкомасштабных мероприятий и инновационных разработок достигнуты существенные результаты в области производства азотных, фосфорных и калийных, а также комплексных и органоминеральных удобрений. В третьем направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 гг. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»². В этом аспекте важное значение приобретает разработка рациональной технологии получения обогащенных суперфосфатов и аммофосфатных удобрений, необходимых как для внесения под зяблевую вспашку, так и для сева и подкормки растений путем использования местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях

² Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

